

1. БИЛДИНГИ МАССАДАРЛАШУРУСИ

- "Темекент турбиналар таъсисати"
- "Universal тегаси"
- "Годжент турбиналар таъсисати"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
турсати Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги таъсисати йўналишини буйисе
маҳсус таълим вазирлиги таъсисати йўналишини буйисе
хизмати барлашмалар фоилийини Муободигаштирикчукан мактаби
«Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга
ишилор берииш) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

МЖОРИЙ ЭТИКЕТАН

**5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга
ишилор берииш) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Мажбур салми
хизмати барлашмалар
фоилийини таъсисати
хизмати барлашмалар
фоилийини таъсисати

Тошкент



СҮЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- “Тошкент труба заводи” МЧЖ ҚҚ;
- “Universal texnologiya va materiallar” МЧЖ;
- Тошкент давлат техника университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» авгуаст даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

2.1. Факультетине таъсирлинига варалсанга кўйиладиган укунчиларни талаблар

2.2. 5320300 – Технологик минчандар ва жиҳозлар (минчаларни ва металга имисса берни) таълими вучалини бўйича бакалаврларнига касбий фаолиятларига кўйиладиган маддат талабчари

3. 5320300 – Технологик минчандар ва жиҳозлар (жамонада ва минчаларни берни) бакалаврларни таълими вучалини Укунчиларни яънида оғизида таъсирлинига кўйиладиган маддат талабчари

3.1. Укунчиларни яънида оғизида таъсирлинига кўйиладиган маддат талабчари

3.2. 5320300 – Технологик минчандар ва жиҳозлар (минчаларни ва металга имисса берни) бакалаврларни таълими вучалини Укунчиларни яънида оғизида таъсирлинига кўйиладиган маддат талабчари

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Кўлланиш соҳаси.....	4
1.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10

1. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битиruvchilarning малака(даражаси)

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколат доирасида битиruvchilarning тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битiruvchilarning тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берииш) таълим йўналишибўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берииш) таълим йўналишибўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берииш) бакалавриат таълим йўналиши – фан ва техника соҳасидаги йўналишлар бўлиб, машинасозлик буюмларни ва металл конструкцияларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштириш ва тадқиқот қилиш, машинасозлик ва металларга ишлов беришда технологик машиналари ва жиҳозларини эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатишга йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берииш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- машинасозлик ва металларга ишлов беришда технологик машиналари ва жиҳозлари;
- машинасозлик ва металларга ишлов беришда технологик жараёнлари;
- машинасозлик буюмларни ва металл конструкцияларни лойиҳалаш.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берииш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти кўйидагиларни қамраб олади:

- лойиҳалаш, жумладан автоматлаштирилган лойиҳалаш, методларини тадқиқот қилиш;
- машинасозлик буюмларни ва металл конструкцияларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқарии жараёнларни тадқиқот қилиши;
- лойиҳалаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириши, маҳсулот сифатини таъминлаш ва сертификация (шу жумладан ҳалқаро) методларини қўллаш;
- машинасозлик ва металларга ишлов беришда ишлаб чиқарии технологик жараёнлари бўйича математик моделларини қўллаш;
- машинасозлик буюмларни ва металл конструкцияларни лойиҳалашда муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқши;
- компьютер технологиялари ва дастурланиши;
- машинасозлик ва металларга ишлов беришда технологик машиналари ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиши стратегиясини белгилаш ва қўллаш;
- тизимили ёндошув механизмларини татбиқ этиши;
- дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженериясидан фойдаланиш.

Йўналиш бўйича фан, техника, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берини) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берини) фаолиятда;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берини) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A320302 – Машинашунослик;
- 5A320308 - Пайвандлаш ишлаб чиқарииши технологияси ва жиҳозлари;
- 5A320317- Металлургия машина ва жиҳозларидан фойдаланиши ва таъмирлари магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишини давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берини) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёкарап билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол тоғасига асосланган фаол ҳаётини нутказни назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиши, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) билан боғлиқ бўлган фаолиятда:

- пайвандлаши технологияси бўйича буюмларни ишлаб чиқарии;
- пайвандлаши ишлаб чиқарии бўйича буюмларини лойиҳалаш учун дастлабки ахборот маълумотларни йигиши ва таҳлил қилиши;
- техник топширикка мувофиқ детал ва машинасозлик конструкцияларини узелларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш ҳамда лойиҳалашининг автоматлаштирилган стандарт воситаларини қўллаш;
- пайвандлаши ишлаб чиқарии технологияси бўйича буюмларни тайёрлашида технологик шартларга риоя қилиншишини назорат қилиши;
- иш ўринларни ташкил қилиши ва уни технологик жиҳозларини жойлаштириши билан техник жиҳозлаш;
- компьютер технологиялари ва дастурланиши;
- ишлаб чиқарии жараёнларини амалга ошириш учун технологик жиҳозларга хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқарии участкаларида технологик жараёнларни сифатини менеджменти техник ҳужжатларини тайёрлаш;
- технологик ва ностандарт жиҳозларни конструкциясини яратишда ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- фаолият обьектларининг холатини таҳлил қилиши;
- технологик тизимлар ва ускуналар синовини ўтказиш методикасини ишлаб чиқишида қатнашиш.
- замонавий қайта ишлаш технологик жараёнларни қўллаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Лойиҳавий-конструktorlik фаолиятида:

- технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишни амалга ошира олиши;
- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- қасбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатилиши фаолиятида:

- пайвандлаш ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, машиналар ва пайвандлаш ишлаб чиқаришнинг намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;
- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;
- амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;
- қасбий этика кодексига риоя қилиш;
- машинасозлик буюмлар технологияларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқишни такомиллаштириш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;
- асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги заготовка, детал ва буюмларни прокат ишлаб чиқариш усулида олиш технологиясини амалиётга татбиқ этиш, прокат ишлаб чиқариш жиҳозлари ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишида зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;
- республика ва ҳорижда чоп этилган пайвандлаш ишлаб чиқариш технологиясига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолиятида (умуми ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича юқори молекулали бирикмалар, ишлаб чиқариш технологияси ва қайта ишлаш технологияси фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятиларига эга бўлиши лозим.

3. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов бериш) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;
умумкасбий;
ихтиосслик;
қўшимча.

Касб фаолияти кўникамларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равища якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математикмоделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг металларга босим билан ишлов бериш соҳасидаги ўрни ва аҳамияти хақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

табиий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдалана олиши, математик анализ ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллай олишни шакллантириши;

мантиқий фикрлашни ривожлантириши, муҳандислик масалаларини қўйиш ва математик усуллардан фойдаланиб ечимларни топа билиши, тадбиқий муҳандислик масалаларини математик моделлаштириши ва ечиши, олий математикага доир адабиётлардан мустақил фойдаланиши;

информацияни олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларидан фойдаланишини эгаллаган бўлиши;

саноқ тизимларида ишилаши, ЭҲМнинг ички ва ташқи курилмалари, Windows амалиёт тизимида папка ва файллар яратиши, улар устида амаллар бажариши, MS Word, MS Excel, MS Power Point, MS Access дастурларида хужжат яратиши ва қайта ишилаши, компьютер тармоқларида ишилаши, улардан ўзига керакли маълумотларни излаши ва фойдаланиши, ўз маълумотларини узатиши, обьектга йўналтирилган дастурлаш тили ёрдамида чизиқли, тармоқланишли, такрорланишли ва мураккаб жараёнларни дастурлаштиришни эгаллаган бўлиши;

физикавий моделларни тадқиқ қилиш; ишлаб чиқариш жараёнларида ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш; физика фанининг турли бўлимларига характеристириши бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолашни эгаллаган бўлиши;

кимёвий тажрибаларни бажаришда керакли ускуна, реактив ва жиҳозлардан фойдалана олиши; олинган билим ва кўнижмалари асосида экологик вазиятни назорат қилиши ва саноатда ва кундалик ҳаётда қўллаши;

жисмларнинг мувозанат тенгламалари, механиканинг асосий қонунлари, теоремалари, принциплари, характеристикинг устиворлиги ва барқарорлиги, механик системанинг ҳаракати ва мувозанатини билиши;

харакат содир бўлаётган фазо ва унинг хоссаларини ҳамда ишлаб чиқариш технологик жараёнларига энг содда физик ва математик моделларни қуриш ва бу моделлар асосида технологик жараённи барқарорлигини таъминлаши;

экологик дунёқараш шаклланган бўлиши, экологиянинг концептуал асосларини билиши;

атмосферани заҳарли газлардан тозалашда катализатор, адсорбент ва абсорбент танлаши; атмосферани чанглардан тозалашда юувучи эритмани танлаши; оқава сувларни физик-кимёвий ва кимёвий усулда тозалашда кимёвий реагент танлаши ва уларни ишлатишида хавфсизлик техникасига риоя қилиши; катализатор, сорбент ва юувучи эритмаларнинг хоссаларини ва сифат кўрсаткичларни аниқлай олиши;

ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси учун зарур бўлган математик ва табиий-илмий фанларнинг назарий ва илмий асосларини шакллантириши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлари ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўнижма ва уқувларни шакллантириши;

умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;

умумкасбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактический таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

моделли тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

Давлат стандартлаштириш тизими ва конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими талаблари асосида муҳандислик чизмаларни тузиш тартиби ва қоидаларини; йиғиш чизмаларини ўқиш ва деталларга ажратиш талабларини; йиғиш чизмаларини бажариш талабларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими ва Давлат стандарти талаблари асосида муҳандислик обьектларининг чизмаларни тузиш ва ўқиш кўникмаларига эга бўлиши;

корхонани бошқариш асосларини; корхонани бошқаришдаги иқтисодий-математик усулларини; бошқарувчи ходимларни шакллантириш жараёнини; корхонанинг ҳаёт циклини билиши ва улардан фойдалана олиши;

талаб ва таклиф назариясидан фойдаланиш; бизнес-режани ишлаб чиқиш кўникмалари шаклланган бўлиши;

хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилишни; фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалашни; ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенасини; ҳаётфаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг асосий талабларини билиши;

ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсиз иш шароитини ташкил этишни; заарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

машинасозлик саноати ишлаб чиқариш маҳсулотлари сифатини ва самарадорлигини ошириш масалаларини мустакил ечиш, ўзаро алмашувчанликнинг асосий принципларини қўллаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

машинасозлик соҳаларида ишлатиладиган детал, заготовка,узел ва бошқалар учун билимларга асосланаган ҳолда талабалар материаллар танлаб олиш; қўймакорлик, босим остида, пайвандлаб заготовка тайёрлаш, уларга металл кесиш дастгоҳларида, электрфизикавий усулларда ишлов бериш, ҳамда деталлар ишчи юзаларини пухталаш усулларини қўллай олиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

конструкция ва конструкция элементларини мустаҳкамликка, бикрликка устиворликка ва чидамлиликка ҳисоблашни билиши;

механизмларни оптимал параметрларини аниқлаш; конкрет механизмларни ҳисоблашда ЭҲМда ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш; машина ва механизмларнинг кинематик ва динамик параметрларини аниқлашда ўлчов асбоб-ускуналаридан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

иритмаларни тузиш, узатмаларни кинематик ҳисоблаш, узатма, вал ва ўқлар, подшипниклар ва биримларни ишчанлик қобилияти бўйича лойиҳаловчи ва текширувчи ҳисобларни бажариш кўникмаси шаклланган бўлиши;

ложиҳалаш ва унинг асосий босқичларининг мақсадлари ва вазифаларини аниқлаш; техникавий обьектларнинг математик моделларини тузиш; АЛТни ҳар хил таъминлашни лойиҳалаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

прокатлаш ва механик ишлов бериш технологик жараёнларини лойиҳалаш, ўлчамлар занжирларини ҳисоблаш, технологик жараёнларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

пайвандла ишлаб чиқариш асосларини ва унда қўлланиладиган қиздириш курилмаларини билиши, уларни таҳлил қилиш ва қўллаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

машинасозлик буюмларни ва металл конструкцияларни лойиҳалаш ҳамда машинасозликда цех ва бўлимларни лойиҳалаш кўникмалари шакллангана бўлиши;

машинасозлик буюмларини назорат қилиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш лозим.

Ихтисослик фанлар блоки:

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёкат)ни ривожлантириши;

муҳандисча фикрлашни ривожлантириши ва ўз соҳасидаги муҳандислик масалаларини мустақил режалаштириб ечишга қодир бўлган бакалаврни тайёрлаши;

Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) бакалавриат таълим йўналишидаги обьектлар ва жараёнларни, жумладан амалий дастурлар пакетларини ва математик моделлаштиришнинг элементларини кўллаб, тадқиқот қилиш қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Кўшимча фанлар блоки:

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

мехнат бозорида рақобатбардошликтини таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгacha қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишилниг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Назарий ва амалий таълим	-	62,8 %
Аттестациялар	-	8,8 %
Таътил	-	14,7 %
Малакавий амалиёт	-	10,8 %

Битирув малакавий иши	-	2,9 %
Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича куйидагича тақсимланади:		
Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	-	30 %
Умумкасбий фанлар	-	38 %
Ихтисослик фанлари	-	25,3 %
Кўшимча фанлар	-	6,7 %

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Таътил салар:

Сасалай физик турни, компетенция, модуль, таълим йўнанини, ҳадеб фаслини объектни, жаддий расониш соҳаси, блокларни ташкил асосий ўқув роҳи сағат мустери, хаким, койла, көрор, овий таълим, ўқув жаргиш, магистратура, консигнат, лойиха-жаргуру, маънора заманинги, бисорув малакавий иши, баҳоллек сифат назорат, тавзия, ахборатчилик, таъсиси таълимни. Ўқув фаннери блоки, мундирия, овий таълим муддасини, таълим жарояти, професия, амалий объектни, тадрізар сифати, юристма ҳажми, речи назорат, ахумий дамот назорати, давлагчиломатчилик назорати, таъсиси назорат, мөнадиёт-тозикик база.

Библиографик маълумотлар

УДК002: 651. 1/7ГурӯҳТ 55

ОКС01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури, конун, қоида, қарор, олий таълим, ўқув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидириув, малака амалиёти, битириув малакавий иш, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт обьекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база.

1.10	Физика	212
1.11	Химия	112
1.12	Биология	122
1.13	Техник баллари	2
2.00	Узумга байланиси	212
2.01	Кеобин таъсисоти	10
2.02	Чиома геомеханика ва мулодийлар таъсисоти	212
2.03	Соди ишсозотига ва ислоҳотига	212
2.04	Хайд фарзанди харбонадани	212
2.05	Математика ва стандартларни	212
2.06	Математикаси ва кутилтигин материялар таъсисоти	212
2.07	Низарий ислоҳоти	212
2.08	Механика (ДИС, МД)	212
2.09	Энергетика ва электротехника	212
2.10	Ригидодинамика ва искунлик техники	212
2.11	Призматика ва широтико-коригашни	212
2.12	Математика ҳаноратини асослари	212
2.13	Ригидодинамикаси таъсисотига олар, кутилтигини таъсисотига	212
2.14	Гравитацияни ислоҳотига	212
2.15	Динамик физики	212
2.16	Математика қадарни	212
2.01	Низарий жаредадорлик чархидон	212
2.02	Геометрия, конструкирование, рисунок	212
2.03	Техникик математика ва жадоба	212
2.04	Электрик машиналари таъсисотига	212
2.05	Ресим оғизи санадидини	212
2.06	Танлов физики	212
2.07	Килемча физики	212
2.08	Математика инженеристи	212
2.09	Бетонни таъсисотига олар	212
2.10	Аттестацияни	212

5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар (машинасозлик ва металга ишлов берии) йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

T/p	Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1	2	3
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	2058
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	90
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт	128
1.08	Техник тизимларда ахборот технологиялари	184
1.09	Олий математика	420
1.10	Физика	218
1.11	Кимё	112
1.12	Экология	72
1.13	Танлов фанлари	58
2.00	Умумкасбий фанлар	2652
2.01	Касбий психология	70
2.02	Чизма геометрия ва мухандислик графикаси	240
2.03	Соҳа иқтисодиёти ва менежменти	88
2.04	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	88
2.05	Метрология ва стандартлаштириш	120
2.06	Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси	240
2.07	Назарий механика	120
